



Мутолаа қилинг / Карантин қоидаларига риоя этинг!

Кун хабари

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2020 йил 3 октябрь • шанба • № 110 (4395)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

КЕЛГУСИ 3 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЎНТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШ БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиш, ҳудуддаги бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида 2 октябрь куни Нукус шаҳрига ташриф буюрди.

Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Йиғилишни Жўқорғи Кенгес Раисининг ўринбосари Атабек Давлетов очди. Сессиянинг котибияти сайланиб, кун тартиби тасдиқланди, Оқсоқоллар кенгаши ва Ҳисоб-саноқ комиссияси таркиби тузилди.

Оқсоқоллар кенгашининг қарорига мувофиқ, Жўқорғи Кенгес Раиси лавозимига Камалов Мурат Қаллибекович номзоди тавсия этилди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида коронавирус пандемияси бутун дунёда бўлгани каби юртимизга ҳам йўқотишлар олиб келгани, лекин ҳаёт давом этиши, шу шароитга муносиб бўлиб, тўри йўл топиш зарурлигини таъкидлади.

– Бугун қорақалпоқ элини,

тупроғини, имкониятларини яхши билган, халқ таниган, турли масалаларни ҳал қила оладиган етакчини сайлаб олишимиз керак. Бердақ бобомизнинг доно сўзлари билан айтганда:

Халқнинг ғамини ўйлаган, Юрт ғамхўри керак менга, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президент ҳозирги мураккаб пайтда раҳбар бўлиш осон эмаслигини, Қорақалпоғистонни ривожлантириш бўйича бошланган ишлар 2-3 қарра кўпайтириб давом эттирилишини таъкидлади.

– Мурат Камаловни кўп йиллардан бери танийман, – деди Президент. – У аввало ҳалол одам, ватанпарвар одам. Қарда ишлаган бўлмасин, қорақалпоқ элининг дарди билан яшаганига гувоҳман. Энг асосийси шу. Бошқиси тажриба билин келади. У отаси Қаллибек Камалов, марҳум Муса Ерниязов ишларини давом эттириб, халқни рози қилади, деб ишонман.

Президент Шавкат Мирзиёев Мурат Камаловнинг инсоний фазилатлари, фидойилиги ва раҳбарлик қобилиятини ҳисобга олиб, унинг номзодига ўз розилигини билдирди.

Жўқорғи Кенгес депутатлари, жамоатчилик вакиллари сўзга чиқиб, номзодни қўллаб-қувватлади. Яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси лавозимига Мурат Камалов сайланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига мувофиқ, Жўқорғи Кенгес Раиси Қорақалпоғистон Республикаси раҳбари ва энг юқори лавозимли шахсидир. Жўқорғи Кенгес Раиси айна орган томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг розилиги билан ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг депутатлари орасидан яширин овоз бериш йўли билан Жўқорғи Кенгеснинг ваколати мuddатига сайланади.



Кун НАФАСИ



АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID)нинг Ўзбекистондаги икки томонлама ваколатхонаси ишга тушди.

Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг халқ дипломатияси маркази томонидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси билан ҳамкорликда «Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда ватандошлар ўрни» мавзuida онлайн мулоқот ўтказилди.



ЎЗБЕКИСТОН ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН, ТУН-У КУН ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИГАН

1092 –

қисқа рақамли «Ишонч» телефони – «Call-center»га

меҳнат муносабатлари юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўллашингиз мумкин.

Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда қасаба уюшмаси аъзоси бўлишдан қатъи назар, барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатилади.

Меҳнат муносабатлари, айниқса, мажбурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон қасаба уюшмаси Федерациясининг доимий эътиборида!



Хоразм вилояти

Аёллар муаммолари изчиллик билан ҳал қилинаётгани мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги хотин-қизларнинг руҳиятини кўтариб, иштиёқларига иштиёқ қўшмоқда.

Яхши кунларга буюрсин!

Урганчлик Индира Бекжонова вояга етмаган тўрт фарзанднинг онаси. Улар тарбиясидан ортиб, бирон жойда ишлаш имконияти йўқ. Қўлидан тикиш-бичиш келса-да, тикув машинаси олишга қўли калталик қилаётгани панд бераётган эди. Аёл-

нинг иштиёқи қасаба уюшма вакилларининг эътиборидан четда қолмади. Хотин-қизлар муаммоларини ҳал қилиш мақсадида шакллантирилган рўйхатда унинг ҳам исми-шарифи акс этди.

Кўни кеча урганчлик 12 нафар хотин-қизга замона-

вий тикув машиналари совға қилинди. Улар орасида Индира ҳам бор.

– Кўрпа-тўшак жилдлари тикмоқчиман, дастлабки харидорларим ҳам кўз тикиб ўтиришибди, – дейди аёл. – Бир вақтнинг ўзида ҳам фарзандларим билан шуғулланиш, ҳам ишлаш, тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйиш имконига эга бўлганимдан хурсандман.

Болалигидан миллий либослар тикишни орзу қилиб, иқтисодий имкониятлари тўғрисида эришолмай келаётган Динора Бекпўлатова, аёллар сумкалари тикиш ҳадисини олган Ферузобону Дўсқонов ва бошқалар уларга тўхта қилинган тикувчилик дастгоҳларидан самарали фойдаланишга ваъда бердилар.

– Яхшиликка буюрсин, – деди тикув машиналарини топширар экан Урганч шаҳар ҳокими Шухрат Абдуллаев. –

Ишчи гуруҳ фаолияти



Сизнинг мўъжизакор қўлларингиз ушбу дастгоҳлар ёрдамида гўзал санъат асарлари яратишига ишонамиз. Меҳнатингиз хонадонингизга баракани олиб кирсин.

Тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтириш истига пайдо бўлганларни ҳокимият қўллаб-қувватлашга тайёр эканлиги ҳам айтиб ўтилди.

12 та аёлга берилган замонавий тикув машиналари 12 та хонадоннинг иқтисодий шароитларини яхшилаш билан бирга, аҳолига кўрсатилаётган маиший хизмат сифатининг ошиши ва арзонлашуви ҳам хизмат қилса не ажаб.


Мўҳаббат Тўрабоева, «ISHONCH»

Йўқолсин бюрократия



ЎЗБЕКОНА ЛУТФ ЖОЗИБАСИ

ёхуд дубляж санъати дарғалари



Фарғона вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Хайрулло Бозоров Сўх туманида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.



Бухоро вилоятининг Қорақўл ва Олот туманларида замонавий инфратузилма билан жиҳозланган янги Рақамли технологиялар ўқув марказлари ишга туширилди.

Тошкент вилояти ҳокими Тоқмода бўлиб ўтадиган ёзи Олимпия ўйинларига йўланмаларни қўлга киритган спортчиларга автомашина берди.



Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Киносаройда «Ўзбекино» Миллий агентлиги буюртмасига биноан «Киномания» киностудияси томонидан суратга олинган «Ибрат» тарихий-бадий фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

Туркия жумҳуриятининг Евросиё ёзувчилар уюшмаси шафелигида «Bengsi» нашриётида ёзувчи Назар Эшонқулнинг «Жалолдин Мангуберди» киноқиссаси турк тилида чоп этилди.

ЎзА хабарлари асосида тайёрланди

Келгуси сонларда ўқинг...

АФҒОНЛАРАРО ТИНЧЛИК ЖАРАЁНЛАРИ
Ўзбек дипломатияси муваффақиятларининг ёрқин ифодаси

Мезоннинг авзоига қараб...

КЕЛГУСИ 3 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЎНТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШ БЕЛГИЛАНДИ

41 Сессияда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Охириги тўрт йилда ўнлаб йирик тўқимачилик, фармацевтика, электротехника ва бошқа замонавий саноат корхоналари қурилиши ҳисобига Қорақалпоғистонда ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробар ўсган. Янги сув тармоқлари қурилиши натижасида аҳолини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 40 фоиздан 67 фоизга етди. 241 та мактаб, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт объеклари янгидан қурилди, капитал таъмирланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Мурат Камаловни Жўқорғи Кенгес Раислигига сайлангани билан табриклаб, ўта масъулиятли вазифада муваффақият тилади.

Янги раҳбар фаолиятининг энг муҳим йўналиши «халқнинг дардини эшитиш ва масалаларини ҳал этиш» бўлиши керак. Бунинг учун тинимсиз изланиш, меҳнат қилиш, халқ билан маслаҳатлашиб ишлаш зарур. Қорақалпоғистонда элли севган, билимли, фидоий ёшлар кўп. Уларни бирлаштириб, натижа қилиш, эл-юртга манфаат олиб келиш керак, – деди давлатимиз раҳбари.

Қорақалпоғистонда барча соҳаларни жадал ривожлантириш бўйича келгуси 3 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар ишлаб чиқилгани маълум қилинди. Унга кўра, ҳар бир туманда 2 тадан фаолият тури ўзига хос «ўси» нукта»си этиб белгиланган.

Президент барча 16 та туманни янада рағбат топтириш мақсадида мазкур «ўсиш нукталари» бўйича тадбиркорлик субъектлари 3 йил муддатта ер солиғи, мол-мулк солиғи, кичик корхоналарнинг айланмасидан олиннадиган солиқ, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий миқдордаги даромад солиғидан озод этилишини таъкидлади.

Бундан ташқари, тараққиёт даражаси пасти бўлган Тахтақўпир, Бўзатов ва Шуманай туманларида янги ташкил этиладиган саноат корхоналарига ҳам 3 йил муддатта солиқ ва божхона имтиёзлари берилди.

Ҳар бир туман ва шаҳарни жадал ривожлантиришга кучли туртки бериш, муаммоларни тезкор ҳал этиш учун уларга вазирлар ва банклар бириктирилди.

Йўналишда келгуси 3 йилга мўлжалланган ўнта устувор йўналиш белгиланди.

Биринчиси – туманлар ва маҳаллаларни жадал ривожлантириш, иккинчиси – аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағал-

лиқни қисқартириш бўлса, учинчиси доирасида инвестиция лойиҳалари амалга оширилади. Орол муаммосининг салбий таъсирини юмшатиш саъй-ҳаракатлари тўртинчи устувор йўналиш сифатида белгиланди.

Беешинчиси этиб хизмат кўрсатиш соҳаси салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, олтинчиси ўлароқ кишлоқ хўжалигини ривожлантириш вазифаси қўйилди. Еттинчидан, аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида ишлар ташкил қилинса, саккизинчидан ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга эътибор қаратилади.

Тўққизинчи устувор йўналиш этиб ёшлар ва аёлларни қўллаб-қувватлаш кўрсатиб ўтилган бўлса, ўнинчиси доирасида жиноятчиликнинг олдини олиш масалалари юзасидан кўрсатмалар берилди.

Президент мамлакатимиз йиғит-қизларини мазкур ҳудуд ҳаёти билан таништириш мақсадида келгуси йили Қорақалпоғистонда Ёшлар фестивали ташкил этиш тақдирини билдирди.

Давлатимиз раҳбари Нукус шаҳрида барпо этилган опера ва бахшичилик мактаб-интернати билан танишди.

Президентимиз ташаббуси билан барча соҳаларда бўлгани каби бахшичилик санъати ривожига ҳам катта эътибор қаратилган. Юртимизда ҳар икки йилда бир Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш йўлга қўйилди. Термиз шаҳрида ўтган йили бахшичилик мактаби фаолият бошлади, Республика бахшичилик санъати маркази барпо этилмоқда.

Ушбу марказ ҳузурда бахшичилик санъатини ривожлантириш жамғармаси ҳам ташкил этилади. Бу каби хайрли ишлар аждодаларимиз асрлар давомида эъзозлаб келган ноёб санъатни дунёга кенг тараннум этиш, ёшларимизнинг унга қизиқишини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Бахши-жировчилик қорақалпоқ халқининг қадимий миллий санъат турларидан ҳисобланади. Ушбу халқ фольклори бахши-жировлар томонидан куйланиб, устоз-шогирд анъанаси орқали бизгача етиб келган. Бахшичиликни асраб-авайлаш, қадимий дostonларни ёшларимизга сингдириш ва уларни миллий анъаналар руҳида тарбиялаш, бахшичилик соҳасида дунёга таниқли санъаткорларни етиштириш мақсадида ўтган йили Нукус шаҳрида опера ва бахшичилик санъатига ихтисослаштирилган мактаб-интернат қурилиши бошланган эди.

Жорий йилда битказилган мактаб-интернат операга ҳам ихти-

сослаштирилди. Чунки Қорақалпоғистонда опера жанрида ўзига хос мактаб яратилган, Муяссар Раззоқова, Кенесбай Сержанов, Ойгул Нодирова, Женисбек Пиязов сингари элга таниқли опера хонандалари юртимиз санъатини дунёга ёйишга катта ҳисса қўшиб келмоқда.

150 ўринли таълим масканда 50 ўринли ётоқхона ва ошона барпо этилган, синфхоналар ўқув куроллари ва чолғулар билан жиҳозланган.

Келаси ўқув йилида мактабнинг 5, 6 ва 7-синфларида, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб эса 5-синфга опера йўналишига 10, бахшичилик йўналишига 20 нафардан ўқувчи танлов асосида қабул қилинади.

Давлатимиз раҳбари мактаб-интернатнинг 150 ўринли замонавий концерт зали ва синфхоналарини кўздан кечирди. Қорақалпоқ ёшлари миллий ва замонавий опералардан намуналар ижро этди.

Бундай мактабларни ташкил этишимиздан асосий мақсад – тарихимизни, маданиятимизни чуқур ўрганиш, ўзалигимизни ағлаш. Бахшичилик – қорақалпоқ элининг улғу анъанаси, уни ривожлантириш учун ҳамма шароитларни яратамиз, – деди давлатимиз раҳбари.

Соҳа вакиллари ва ёшлар билан мулоқотда ҳар бир туманда ушбу мактаб-интернатнинг бўлимларини ташкил этиш, шу орқали чекка ҳудудлардаги истеъдодли ёшларни излаб топиб уларни ўқитиш, мактаб негизда консерватория филиалини очиб ва етук бахши-опера хонандаларини тайёрлаш заруриги таъкидланди.

Танишув чоғида санъат мактабининг йўналишларини кенгайтириш кераклиги алоҳида қайд этилди. Масалан, халқор тажрибадан келиб чиққан ҳолда, чет элдан профессор-ўқитувчилар жалб этиш, улар иштирокида маҳорат дарсларини йўлга қўйиш ўқувчиларни мамлакат ва халқор миқёсдаги танловларга тайёрлашда муҳим ўрин тутди.

Шавкат Мирзиёев мактаб-интернатда ўқувчиларга асосий йўналишлардан ташқари миллий ва Европа чолғуларидан дарс бериш, санъатни кенг тарғиб этиш орқали аҳолининг эстетик савиясини юксалтириш юзасидан тавсиялар берди.

Президентимиз Нукус шаҳрида «Қорақалпоқ балик саноат» масъулиятли чекланган жамият фаолияти билан ҳам танишди.

Мамлакатимизда балиқчилик тармоғини жадал ривожлантириш, балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг замонавий ва инно-

вацион услубларини жорий этиш бўйича бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, уларнинг ижросини сифатли ва пухта таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2020 йил 29 августдаги «Балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал вазифасини ўтайди.

Айниқса, балиқчилик хўжаликларига бириктирилган сув ҳавзаларида илмий ёндашув асосида самарали фойдаланиш, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Қорақалпоқ балиқ саноат» жамияти томонидан «Интенсив тарзда балиқ етиштириш ва уни қайта ишлаш» лойиҳаси доирасидаги корхона 1,2 гектар ер майдонида ташкил этилган. Унинг қуввати йилига 200 тонна балиқ, 5 миллион дон балиқ личинкалари етиштириш, 5 минг тонна озуқа ем ишлаб чиқариш ва минг тонналик совуқтичи камерада маҳсулот сақлаш имконига эга. Ушу йил июлда фаолият бошлади, 35 та иш ўрни яратилган.

Лойиҳанинг аҳамияти шундаки, корхонада ёпиқ сиғимда интенсив усулда балиқ етиштирилади. Яъни, сувдан такроран фойдаланиш эъзига катта ҳажмда сув тежаллади. Масалан, 200 тонна балиқ етиштириш учун оддий шароитда 1,5 миллион метр куб сув сарфланса, бу ерда 250 метр куб етарли. Бу Қорақалпоғистон учун жуда муҳим.

Шу ерда кишлоқ хўжалиги тармоқларидаги лойиҳалар тақдимоти бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари чорвачиликда оилавий кооперацияларни йўлга қўйиб, паррандани кўпайтириб, гўшт нархини арзонлаштириш чораларини кўриш муҳимлигини таъкидлади. Худудда ер ва сувнинг аниқ ҳисобини юритиш, бунга ахборот технологияларини жорий қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳрида кўп қаватли турар жойлар ва IT-парк қурилишини кўздан кечирди.

Татибай кўчасидаги янги турар жой мажмуаси замонавий андозлар асосида, зилзилабардош қурилиш материалларидан бунёд этилмоқда. Ташқи деворлар 3 қаватли энергиятежамкор материалдан иборатлиги боис хонандолар қишда иссиқ, ёзда салқин бўлишга эришилади.

160 та хонадонга мўлжалланган 2 та 16 қаватли уй келаси йилда яшаш учун тайёр ҳолда топширилади.

Президент янги уйнинг шоу-румида бўлиб, уларда яра-

тиладиган шароитлар билан танишди.

Шу ерда IT-парк ҳам қурилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда 8 та рақамли иқтисодиёт марказлари фаолият кўрсатмоқда, уларда ахборот технологиялари соҳасида ёш мутахассислар тайёрланмоқда.

Мазкур IT-парк рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги ишларнинг узвий давоми бўлиб, у ишга туширилса қорақалпоғистонлик ёшларга ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида изланишлари учун кенг имконият очилади.

Маълумки, жорий йил мамлакатимизда «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб эълон қилинган. 8 июнь кунин Президент ҳузурида ўтказилган тақдиротда ҳудудларда соҳа ривожига шароит яратиш, Бухоро, Наманган, Нукус, Самарқанд, Урганч ва Жиззах шаҳарларида Тошкентдаги IT-парк филиалларини ташкил этиш бўйича вазифалар белгилаб берилган эди.

Нукус шаҳрида барпо этиладиган IT-парк 16 қаватдан иборат бўлади. Уни 2021 йилда ишга тушириш режалаштирилган.

Бу ерда ахборот технологиялари бўйича мутахассислар кишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, таълим, туризм, маданият, қурилиш ва транспорт каби соҳаларда истиқболли лойиҳалар устида иш олиб боради. Шунингдек, рақамли технологиялар ўқув маскани, коворкинг маркази, ўқув ва киберспорт хоналарида ёшларга ахборот технологиялари бўйича билим берилади.

Президент Шавкат Мирзиёев қурилиш жараёнини кўздан кечирар экан, Тошкент шаҳридаги ҳар қандай истиқболли янгиликлар Нукус шаҳрида бўлиши кераклигини, ҳар бир туманлардаги кўчаларни замонавий шаклга келтириш ва одамларга қўлайлик яратиш лозимлигини таъкидлади.

Тошкентда нима янгилик бўлса, Нукусга келиши керак, – деди Президент. – Янги ишламасак, замон қабул қилмайди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳри туманларини Нукус шаҳри маҳаллаларига бириктириш, кўчаларни ёритиб, ободонлаштириб, савдо ва хизмат шохобчаларини кўпайтириш, аҳолининг дам олиши учун шароитларни кенгайтириш заруригини таъкидлади.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистонга ташрифи якунланди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Зиёдулга ЮНИБЕКОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗА Мухбирлари

Академик Тўра Мирзаев



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоллик учради. Атоқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Тўра Мирзаев шу йил 29 сентябрь кунин 84 ёшида вафот этди.

Т.Мирзаев 1936 йил 6 мартда Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида туғилди. 1957 йили Бухоро давлат педагогика институтини тугатиб, меҳнат фаолиятини Сурхондарё вилоятининг Жарқўргон туманидаги 22-ўрта мактабда ўқитувчи сифатида бошлади. 1961-1963 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти аспирантурасида таҳсил олди. 1965 йилда номзодлик, 1986 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Истеъдодли олим ўзининг қарийб 65 йиллик илмий-педагогик ва ташкилотчилик фаолияти давомида Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими, сектор мудирини, директорини, Фанлар академиясининг ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича вице-президенти, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклорини институтининг етакчи илмий ходими каби лавозимларда самарали меҳнат қилиб, юртимизда адабиётшунослик, фольклоршунослик фанлари соҳасидаги долзарб масалаларни тадқиқ этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Т.Мирзаев Ўзбек халқ оғзаки бадий ижодиётини кенг қўламда тадқиқ этиш борасида илмий мактаб яратган, эпосушуносликнинг назарий ва амалий масалаларига доир кўплаб асарларни нафақат мамлакатимиз, балки чет элларда ҳам эътироф этилган таниқли фольклоршунос олим эди.

Айниқса, унинг раҳбарлиги ва иштирокида тайёрланган 15 жиллик «Ўзбек фольклорини ва адабиёти тарихи» илмий-амалий тўплами, «Алпомиш» достони, «Ўзбек халқ мақоллари»нинг академик нашрлари, шунингдек, олимнинг кўп жиллик «Ўзбек халқ ижоди», «Ўзбек фольклорини очеркларини», «Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар» каби китоблари, кўплаб илмий мақолалари, китоб ва монографиялари миллий адабиётимиз ва маданиятимиз хазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Жонқуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга илм-фан сирларини сабоқ берган заҳматкаш олимнинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланган.

Академик Т.Мирзаевнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У Берикий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти, «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» фахрий унвони, «Фидокорона хизматлари учун» ва «Дўстлик» орденларига сазовор бўлган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Тўра Мирзаевнинг хотираси қалбларимизда ҳаммиша сақланиб қолади.

Ш.МИРЗИЁЕВ, Т.НОРБОЕВА, Н.ИСМОИЛОВ,
А.АРИПОВ, Б.ЙЎЛДОШЕВ

Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси мутасаддилари иштирокида «Ходимлар учун муносиб меҳнат шароитларини таъминлашда касоба уюшмаларининг ўрни» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Маълум бўлишича, 2016-2020 йиллар давомида Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси ижтимоий-меҳнат соҳасига доир 2000 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини кўриб чиқиб, тақлифлар берган.

Охириги беш йилда амалга оширилган ишлар қўламадан хабардор бўлиш учун рақамларга кўз ташлаш кифоя. Хусусан, барча бўғиндаги касоба уюшма ташкилотларига келиб тушган 35 мингдан зиёд мурожаатнинг 7 минг 590 таси қаноатлантирилган бўлса, 18 минг 359 таси бўйича муаллифларга тушунтириш берилган, 599 та мурожаат эса бошқа ваколатли органларга юборилган. Ходимлар ҳуқуқларини тиклаш мақсадида иш берувчиларга 2 минг 295 та тақдирнома ва судга 765 та даъво аризаси киритилган. Бунинг натижасида 13 минг 471 нафар ходимнинг ҳуқуқи тикланиб, етказилган зарар учун ходимлар фойдасига 13 миллиард 600 миллион сўмдан ортиқ маблағ ундириб берилган.

Фуқароларга ижтимоий-меҳнат соҳасига оид масалаларда бепул юридик хизмат кўрсатиш ҳамда ижтимоий-меҳнат соҳасига оид халқаро ва миллий стандартларни тарғиб этиш мақсадида Федерация қошида «Юридик клиника» фаолияти йўлга қўйилган, шунингдек, 1092 қисқа рақамли «Ишонч телефони» ишлаб турибди.

Корхона, ташкилот, муассасаларда ижти-

Муносиб меҳнат шароити – доимий эътиборда

Анжуман



«Касоба уюшмалари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ташкил этилган Касоба уюшмаларининг меҳнат-ҳуқуқ инспекциясининг меҳнат техник ва меҳнат ҳуқуқ инспекторлари 6 минг 599 та қурилиш объектида ходимларга меҳнат шароитлари яратилгани бўйича мониторинг ўтказди. Ўрганиш жараёнида меҳнат шароити таъминланмаган, ётоқ жойлари қоқиқарсиз, махсус кийим, ҳимоя ниқоби, антисептик воситалар йўқ бўлган 3 минг 907 та ҳолат аниқланиб, камчиликлар жойида бартараф этилди.

«Инкирозга қарши курашиш жамғармаси» маблағлари ҳисобидан коронавирус инфекциясидан зарарланган беморлар билан мулоқотга киришадиган беморлар жойлаштирилган объектларда ҳамда коронавирус инфекциясини аниқлаш лабораторияларида ишлаётган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга берилаётган махсус рағбатлантириш тўловларининг амалга оширилиши бўйича тиббиёт муассасалари раҳбарларига киритилган кўрсатмалар натижасида ходимларга 12 миллиард 200 миллион сўмга яқин қарздорлик маблағи ундириб берилди. Айни пайтда, касоба уюшмалари инспекцияси пахта йиғим-терими мавсумида теримчилар учун етарли шарт-шароит яратилгани, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймастик жазасидан жамоатчилик назоратини амалга оширмоқда.

Аъзам АБУЛҲАЙОВ,
«ISHONCH»

Жиззах вилояти
ТАДБИР
ЭЪТИРОФ ВА ЭЪЗОЗ ИФОДАСИ

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилояти кенгаши 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан жойларда байрам тадбирлари ўтказди.

Ана шундай тадбирлардан бири Ўсман шаҳарчасида бўлиб ўтди. Унда асосан туман халқ таълими тизимида, мактабгача таълим муассасаларида, жисмоний тарбия ҳамда спортга ихтисослашган таълим муассасаларида, коллеж ва лицейларда самарали меҳнат қилаётган 400 нафардан ортиқ устоз ва мураббий иштирок этди.

Мирзачўл тумани кенгаши эса таълим-тарбия соҳасида кўп йиллар меҳнат қилган фахрийларни йўқлаб, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда эсдалик совғалари улашди.

– Мураббийларнинг меҳнати ўз қадрини топаётгани, тизимда амалга оширилган ислохотлар ёшларимизнинг ҳам соҳага бўлган қизиқшарлини оширмоқда, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Мирзачўл тумани кенгаши раиси Мурод Беккулов. – Туманимизда халқ таълими, мактабгача таълим соҳасида меҳнат қилаётган ҳар бир ўқитувчи, мураббий бунини эътироф этади.

Тадбирда сўзга чиққан устоз ва мураббийлар таълимдаги муаммоларга ечим топиш, соҳани янада ривожлантиришга оид амалий таклифларини билдирди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»

Фарғона вилояти
САЁҲАТ
БАЙРАМНИ ХИВАДА НИШОНЛАДИК

Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунига ўзига хос совға тайёрланди.

Таълим муассасаларида меҳнат қилаётган ўқитувчиларга эътиром кўрсатилиб, Хоразм вилоятига саёҳат уюштирилди. Мазкур ташаббус ҳеч қимми эътиборсиз қолдирмади. Ҳамкасблар поездда кўнча шаҳарга йўл олишди.

– Хивага саёҳатимиз унутилмас таассуротларга бой бўлди, – дейди Олтиариқ тумани 2-касб-хунар мактаби ўқитувчиси Юрсунали Болтабоев. – Айниқса, саёҳатнинг байрам кунини ташкил этилганини айтмайсизми! Қадимий обидалар, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилдик.

– Хива саёҳати биз учун ажойиб байрам тўхфаси бўлди, – дейди Фурқат тумани мактабгача таълим ходимаси Одинахон Ниезматова. – Бизга алоҳида илтифот кўрсатилди. Вокзалда кутиб олиш, қадимий шаҳарни сайр қилиш, меҳмонхонадаги шароитлар аъло даражада ташкил этилганини эътироф этмай асло иложимиз йўқ. Мухтасар айтганда, саёҳат мазмунли ва қизиқarli тарзда ўтди. Бунинг учун касаба уюшмаларига ўз миннатдорлигимизни билдираемиз.

Лолаҳон АҲМЕДОВА,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси
Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича
масъул ташкилотчиси

Йўқолсин бюрократия

Қонунларнинг муаллифи халқ бўлиши керак. Президентимизнинг ушбу фикрида демократиянинг муҳим ва ажралмас қоидаси ўз ифодасини топган. Чунки халқ қарорлар қабул қилинишида иштирок этса, унинг ижросидан хабардор бўлсагина улар фаровонликка ва жамиятда адолат қарор топишига хизмат қилади.

Мамалякатиимизда айни шу тамойилга амал қилинмоқда. Қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш, унинг бошқача талқин қилинишига йўл қўймастик, айрим амалдорларнинг манфаатларига хизмат қиладиган ва бюрократияга йўл очадиган бўшлиқларни бартараф этиш қонун ижодкорлигининг асосий принциплари айланиб бормоқда.

Шу йилнинг 28 сентябрь куни имзоланган «Бюрократик тўсиқлар янада қисқартирилиши ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойиллари жорий қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун бу борадаги ислохотларнинг ортага қайтмас тус олганидан далолатдир.

Ижтимоий тармоқда нолиб ўтирадиган фуқаролар эмас, айнан давлат раҳбарининг гоёси билан очилган жамоавий мурожаатлар портали ва фаол фуқаролар муҳим роль ўйнади.

– Порталнинг очилиши мен каби оддий

«Бюрократик тўсиқлар янада қисқартирилиши ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойиллари жорий қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун асосида бир қатор ҳужжатларга ҳам ўзгартиришлар киритилиб, маҳаллий ҳокимиятнинг бюрократияга йўл очувчи ваколатлари кескин қисқартирилди.

одамларга катта имконият яратди. Агар мен бу ҳолатнинг қонунчиликка тўғри келмаслиги, уни тўғрироқ лозимлиги ҳақида бирор раҳбарга мурожаат қилганимда, ҳеч қандай натижага эриша олмас эдим. Балки мени ўша идоралар йўлагига ҳам йўлатишмас эди. Мана, натижага эришдик. Бундан руҳланиб, газ ҳисоблагичлар ва яна бир қанча муаммоли масалалар бўйича янги мурожаатларни шакллантиряялман, – дейди жамоавий мурожаат муаллифи Умид Икромов. – Қонунчиликдаги ортиқча тартибнинг оддий фуқаро мурожаати билан бекор қилинишини, тўғриси, яқин вақтгача тасаввуримга ҳам сигдирма олмас эдим. Жамоавий мурожаатлар портали бугун шундай муҳим тасвир воситаларидан бирита айлана бораётгани қувонарлиқ аҳвапта.

ҲОКИМНИНГ ВАКОЛАТИ ЧЕКЛАНДИ

«Бюрократик тўсиқлар янада қисқартирилиши ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойиллари жорий қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг

айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун асосида бир қатор ҳужжатларга ҳам ўзгартиришлар киритилиб, маҳаллий ҳокимиятнинг бюрократияга йўл очувчи ваколатлари кескин қисқартирилди.

Хусусан, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 42-, 98- ва 103-моддаларига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан технологик, ўрмон-мелиорация, арготехник, гидро-техник, санитария-техник тадбирларни келишишни назарда тутадиган вазифа ва ваколатлар чекланди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 6-моддасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қарорлар қабул қилиш борасида ваколатлари чиқариб ташланди.

«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасига ва «Ўсимлик дунесини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 34 ва 45-моддаларига ҳам худди шундай халқчил ўзгаришлар киритилди.

Бюрократияга асосланган эски тартибларни қумсовчи, бу тартиблардан наф қўрувчиларга ушбу қонун катта тўсиқ қўйди. Уни айлана йўтишга бўлган ҳар қандай уриниш жавобгарликка сабаб бўлади.

ҚОҒОЗБОЗЛИК, НАВБАТБОЗЛИК, МАЖЛИСБОЗЛИК...

Едингизда бўлса, бундан 5-6 йил аввал турли маълумотнома сўраш қанчалик авж олиб кетган эди. «Маълумотнома саноати» маҳалла раислари ва котибларини «муҳим» раҳбарга айлантирган, бир парча қоғозга муҳрини босиш учун очик-ойдин пул сўраш оддий ҳолга айланган кўпчиликнинг эсидан рақмаган бўлса керак. Қизиги, вазият маълумотномани тасдиқлаш учун маълумотнома сўраладиган даражагача етиб борди.

Мисол тариқасида талаб қилинган айрим маълумотномаларни келтириб ўтаемиз: «Ойла аъзоларининг пенсионер билан у вафот этган кунигача биргаликда яшаб тургани ҳолатини тасдиқловчи», «Вафот этган ходим билан қариндошлиги

Шарҳ
даражасини тасдиқловчи», «Мархумнинг ходим билан қариндошлиги даражасини тасдиқловчи», «Туғилганлик ҳақида тақририй гувоҳномаларни олиш учун вояга етмаган шахснинг ёки паспорт олмаган шахснинг фотосурати ёпиштирилган», ҳатто «Дафни ўтказганлик ҳолатини тасдиқлаш учун» маълумотнома...

Ҳозир архивларда бундай қоғозларни тонналаб топиш мумкин. Эссиз, вақт, қоғоз, чатнаган асаблар...

«МАЪЛУМОТНОМА САНОАТИ» ИНҚИЛОЗ ЭКАСИДА

Ўтган йилнинг 9 декабрь куни қабул қилинган «Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори «маълумотнома саноати»га дастлабки ва ҳал қилувчи зарба бўлган.

Ушбу қарор асосида жорий йилдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотларининг фуқаролардан 28 турдаги маълумотномаларни талаб қилиши ва уларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан берилиши бекор қилинди.

Қолаверса, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг айрим функция ва ваколатлари тегишли давлат бошқарув органларининг худудий бўлинмаларига ўтказилиб, 29 та идоралараро коллегиял орган тугатилди.

Меҳнат ва Уй-жой кодекслар, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги, «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида»ги қонунларга ўзгаришлар киритилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан маълумотнома талаб қилиш билан боғлиқ қоидалар бекор қилинди.

ЭНДИ ТОМОШАБИН БЎЛМАЙЛИК

Қабул қилинган янги қонун мазмун-моҳияти билан ўзида бюрократияга нисбатан тоқатсиз ва муросасиз муносабатни акс эттирган. Шу нуқтаи назардан ёндошилса, уни ҳаётий эҳтиёж ҳосиласи дейиш мумкин.

Энди қолган гап ўзимизда. Ахир, жамоатчилик назоратсиз бюрократиянинг асоратларидан қутулиш амри маҳол. Бу йўлда жамият аъзоларининг ҳар биридан фаоллик талаб этилади. Демак, томошабинлик ва бефарқликнинг мавриди эмас.

Дилшод БҮРИЕВ,
журналист

Тошкент вилояти
Бугуннинг гапи



ФИКРНИ ЎЗГАРТИРГАН МУНОСАБАТ
ёхуд пахта теримида мажбурий меҳнатга йўл қўйилмайди(ми?)

Куз. Ушбу фаслни ўнча хушламас эдим. У билан боғлиқ оғриқли хотираларим бунга йўл бермасди чоғи. Куз келди, дегунча қишлоқлардаги мактаблар ёпилиб, ўқитувчи-ўқувчилар турнақатор автобусларда бошқа ҳудудларга олиб кетиларди. Хуллас, қимирлаган жон борки, далага – пахта йиғим-теримга жалб этиларди. Касалми-соғми, биров сўраб ўтирмас эди.

Уша кезлар «Мажбурий меҳнатга йўл қўйилмайди», «18 ёшга тўлмаган болалар меҳнатидан фойдаланиш қатъиян тақиқланади», деган баланларвоз гаплар фақат қоғозларнигина бебаз турарди, холос...

Айни йиғим-терим палласида ОАВ, ижтимоий тармоқларда, вазирлик ва идораларнинг сайтлари-ю телеграм каналларида бот-бот такрорланаётган «2020 йилги пахта йиғим-терими мавсумида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланмаслик, теримчилар учун шарт-шароит яратиш» каби давватларни ўқиб, эшитиб, беъваттиёр хаёлдан ўша кунлар ўтди.

Шукрки, у кунлар ўтмишга айланди. Энди ҳеч қим пахтага мажбуран жўна-

нинг 80 нафар масъул ходими мажбурий меҳнатга йўл қўймастик борасида муфассал тушунтириш ва тавсиялар бериб бормоқда.

Вилоятда 11 та туман (11 та шаҳар) бўлиб, шундан 9 таси пахта етиштиришга ихтисослаштирилган. 1 минг 494 та фермер хўжалиги ва 7 та пахтачилик кластери мавжуд.

Шу йилда қарийб 73 минг гектар майдонга чигит қадалган. Шундан 55,5 минг гектардан ортиқ майдонга ҳосилни қўл меҳнати орқали териб олиш режалаштирилган. Кўзланган ҳосил – салкам 230 минг тонна. Биринчи ҳосилни териб олиш учун 127 минг нафар теримчи (693 та отряд) жалб қилинган.

Ўтган бир ҳафта давомида Ишчи гуруҳ 7 та туман худудидидаги 6 та пахтачилик-тўқимачилик кластери ҳамда 15 та фермер хўжалигидидаги вазиятни ўрганди. Бундан ташқари, 17 та маҳалла фуқаролар йиғини ва 12 та маҳаллий корхона-ташкilot фаолиятида мажбурий меҳнат билан боғлиқ ҳолатларнинг бор-йўқлиги текширилди.

Кузатувлар жараёнида вилоятда 8 та ҳуқуқбузарлик аниқланди. Теримчиларга зарур меҳнат ва дам олиш шароити етарли даражада эмаслиги, терим пулларини ўз вақтида тарқатмаслик, зарур санитария-гигиена талабларини бузиш каби ҳолатлар шулар жумласидан.

Мазкур камчиликларнинг асосий қисми Окқўрғон, Бекобод ва Пискент туманларига тўғри келмоқда. Албатта, йўл қўйилган камчиликлар учун масъул мутасаддиларга қарши белгиланган тартибда чора кўрилмоқда.

Бир пайтлар бундай имкониятлар қайда эди? «Оқ олтин» ҳамма нарсадан муҳим саналарди. Мадрдохликка йўлман-ку, бундай кунларни пахта далаларида эгатга бош эгганча хаёл қилардик, холос...

Дарвоқе, ҳозир бу фаслга муносабатим мутлақо ўзгарган.

Гўломжон МИРАҲМЕДОВ,
«ISHONCH»

Ислохот ва самара
ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ БАҲОЛАШ
мазкур омил иқтисодиётда муҳим аҳамиятга эга

Мамалякатиимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали иқтисодиёт тармоқлари ва худудларга хорижий сармоялар фаол жалб этилмоқда. Бундан ташқари, давлат дастури асосида ресурс (жумладан ер ва кўчмас мулк) соналари ҳисоблаш механизмининг илғор халқаро тажриба асосида қайта кўриб чиқиш, ноқишлоқ хўжалиги ер участкалари ва бино-иншоотларни бозор нархиға яқин кадастр баҳосини аниқлаш институти амалиётга жорий қилинаётди.

«Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ер участкаларини хусусийлаштириш ёки мулк сифатида сотиб олиш мумкин. Бу иқтисодиётда шу кунга қадар яширин тарзда юритилган ер бозорининг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади.

Айни пайтда бу борада бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, хусусийлаштиришга оид қонунчилик ижросини таъминлашга қаратилган қатор амалий ишлар бажарилиши зарур. Юридик ва жисмоний шахсларнинг мавжуд ер участкаларини хусусийлаштиришда инсон омилини камайтириш, хусусан, мазкур жараёнларни бошқарувчи геоахборот тизимини жорий этиш, шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминланганлик ҳолатини ўрганиш, бош лойиҳаси мавжуд бўлмаган ҳудудларда ерларни хусусийлаштириш ёки аукцион савдолари орқали сотилишининг олдини олиш шулар жумласидандир. Қолаверса, ер участкаларини бошланғич қиймати баҳосини аниқлашда ернинг жойлашган жойи, коммуникация тармоқлари мавжудлиги, автомобиль, йўллари ва бошқа ижтимоий объектларга яқинлиги ҳолатларини инобатга олиш ҳам ер майдонининг бозор қийматини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Кўчмас мулк объектларини оммавий баҳолаш натижалари солиқ базисини шакллантириш билан биргаликда иқтисодиётнинг молия, банк секторига ҳам кенг фойдаланилади.

Ер ҳисобини юритишда замонавий рақамли технологияларнинг жорий этилаётгани ер солиғи ва бошқа тўловларни автоматлаштириш ҳақида тўлаш тизимининг қўлланаши ҳозирнинг ўзидаёқ самарали экани исботланди. Бунга биргина сўнги уч йил давомида ахборот тизимларининг автоматлаштирилиши ҳисобига 20 мингдан ортиқ бўш ер участкалари аукцион савдоларига чиқарилиб, уларнинг 10 минга яқини «кимшодди» электрон савдо майдонларида сотилганини мисол сифатида келтириш мумкин.

Рустам ФАЙЗИЕВ

Эълонлар
Янгийўл тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Юлдашева Марьям номли Янгийўл тумани, «А.Ортиқов» ҚФЙ, «Ўзбекистон» маҳалласи, Тахтақўприк кўчаси, 27-уй уй-учун берилган кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади. ***
Янгийўл тумани ҳокимлиги ҳузуридида ТСРБ инспекцияси томонидан 2012 йил 19 мартдаги 1497-сонли реестр тартиб рақами билан Янгийўл тумани, «Кўшеоч» ҚФЙ, Амир Темур кўчаси, рақамсиз уйда рўйхатдан ўтказилган «Umidabeigi» масъулияти чекланган жамияти (СТИР 201477871) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 630-сонли қарорига ва қоронанинг 2019 йил 6 ноябрдаги 01-сонли баённомасига асосан иктиёрий тугатилмоқда.
Давволар 97-490-15-86 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Агросоаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Самарқанд шаҳар кенгаши мутахассиси Нигина Хайриевага падари бузруквори
Салимжон ХАЙРИЕВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардик билдиради.

Жалолиддин Румий Ҳикоят

Баққол дўконда пат-ләри тўти боқарди. Тўти нашъали гаплари билан харидорларни кулдирар ва дўконда қорувуллик қилар эди.

Кал тўти

Бир куни баққол тўтини дўконда қолдириб, шошилганча уйга кетди. Бироздан сўнг бир мушук сичқон қувлаганча дўконга югуриб кирди. Мушукни кўрган қуш жон аччиғида учиб тепароққа, гүлгеи шиша идишлар устига қўнди. Қўрқувнинг зўридан шишадан шишага учиб бир нечасини синдириб юборди. Баққол ишини битириб, дўконга қайтди. Қараса, ҳаммаёқ ағдар-тўти қараса, қимматбаҳо ёғлар тўкилиб-сочилган. Бунини тўти қилганини дарҳол англади. Ҳаззаб қўзи қўшининг бошига зарб билан урди. Тўтининг бошидаги патлари тўкилиб тўти билан кал бўлиб қолди. Баққол ўз қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлиб, «Бу қўшни ургандан кўра қўлларим сингани яхши эди!» деб аччиғишга тушди. Устига бутак, тўти гапирини ҳам буткул йиғиштирди. Суюкли қўшининг яна гапирини учун уни ширинликлар билан сийлади, назрлар қила бошлади, йўқсилларга садақа улашди.

Орадан уч кечаю уч кундуз ўтди. Баққол дўконда хафа қолди. «Тўтинми яна қайтадан қандай гапиртирсам?» дея ўйлаб ўтирарди. Қушига турли ажойиб-ғаройиб томошалар кўрсатарди. Шу пайт дўкон олдида кал бир дарвеш ўтиб қолди. Тўти уни кўрган заҳоти «Эй дўстим! Сен нега кал бўлдинг, сен нега менга ўхшаб гүлгеи шишаларни тушириб юбордингми?» дея қичкира кетди...

Қиссадан ҳисса шуки, тўти ва қиссадаги кишиларнинг ўзини-қиссасига қиссалам. Араб имлосидаги «шер» ва «шир» сўзлари бир хил шаклда ёзилади. Лекин бириндан асал томоса, иккинчисидан захар томоса. Икки қисса ҳам бир кўнда ўсади. Бирининг ичи бўди, иккинчисиники тўла шакар. Ушбу тақлидчи тўти билан Ҳақ таолонинг розилигини истаб қаландарлик йўлини танлаган дарвеш орасида ҳам беҳад фарқ бор. Пурмаъно ҳикоядан яна шундай хулоса қилиш мумкинки, инсон ишида шошилмаслиги даркор. Жаҳл билан, шошқалоқлик қилиб иш бошласалар, охирида пушаймон бўладилар.

Ўтган асрнинг 60-80-йиллари кино, театр ва дубляж санъатимизда ўзига хос юксалиш даври бўлган. Наби Раҳимов, Обид Юнусов, Мукамбар Раҳимова, Рима Аҳмедова, Диас Раҳматов, Дилбар Исмоилова, Афзал Рафиқов, Ойбарчин Бакирова, Ҳожиакбар Нурматов ва бошқа забардаст актёрларнинг фаолияти бунга далилдир. Айни шу шарафли сафда Ҳамза Умаров ва Тўлқин Тожиевнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Миллий дубляжимиз тарихини синчиклаб қузатган киши бу икки санъаткорни ўзаро боғловчи жиҳатлар кўп эканини сезиши турган гап. Бундай боғлиқликни уларнинг турли фильмларда ўзаро интрига ёки бир-бирига жуда яқин муносабатда бўлган қаҳрамонларга биргаликда овоз беришга яққол кўрсатади. Чунонки, буюқ режиссёр Акбар Куросаванинг шўро ва япон киножодкорлари ҳамкорлигида суратга олган машҳур «Дерсу Узала» фильмининг ўзбекча талқини бунинг исботи. Ушбу киноасардаги икки марказий персонаж – Дерсу ҳамда Арсеневнинг ўзаро дўстлиги, қадрдонлиги актёрларимизнинг меҳнати ва салоҳияти тўғрисида қойилмақом тарзда очиб берилган. Хусусан, овчи Дерсу тимсолига хос инсонийлик, олийжаноблик, соддалик, самимият ва фавқулодда синчковлик, она табиятга муҳаббатни Ҳамза Умаров овози билан бор бўйича тўғриш мумкин. Бу қаҳрамоннинг ўзи ҳам мутлақо танилмайди, ҳатто учратиши ҳам дарғумон бўлган кишиларнинг ғамини ейиши фильмдаги ушбу сўхбатда шундай акс этган:

Дерсу: – Капитан, гуруч, туз, гузурт озгина-озгина бер.

Арсенев: – Нима қиласан?

Дерсу: – Гуруч, туз, гузуртдан пуртлоққа ўра, бу ерга қолдир.

Арсенев: – Нима, яна бу ерга қайтиб келмоқчимсан?

Дерсу: – Менчики қайтмайди.

Арсенев: – Бошқа одам келади. Куруқ ўтин бор, овқат бор, ўймайди.

Дерсу: – Ўчи хавфли ва мушкул ҳолатдаги бу ўчининг тадбиркорлиги, пухталлиги боис чиқиб кетилган эпизодни олайлик:

Арсенев: – Шу ерда тунашга тўғри келади, Дерсу. Бу ёнғига юриш хавфли. Нима қилдик-а?

Дерсу: – Капитан, қулоқ сол, яхши қулоқ сол. Тез-тез ишлаш керак. Бизники тез-тез ишламаса, совқотиб ўлади.

Арсенев: – Нима иш қиламиз?

Дерсу: – Қамиш ўрамиз.

Албатта, бу сўхбатларнинг ёзма ифодаси кўпчиликка қуруқ ва оддий кўриниши мумкин. Аммо Ҳамза Умаров айна шу жумлаларга жон ва руҳ бахш этиб, Дерсу феъл-атворидаги хусусиятларни мукаммал кўрсата олган десак, муболоға бўлмас.

Машҳур актёримизнинг дубляждаги қаҳрамонлиги турли фильмларнинг ўзаро қарама-қарши қаҳрамонларига овоз бергани билан ҳам ёдда қолади. Одатда Тўлқин Тожиев персонаж, Ҳамза Умаров эса салбий персонажларни овозлаштираган. Бунда гўё нафақат фильм қаҳрамонлари, балки икки дубляж устаси ҳам ўзаро қурашгандай, чинакам рақибларга айлангандай туюлади. Жумладан, «Финист – сарлочин» фильмининг она тилимиздаги талқинида улар ўртасидаги рақобат авж пардаларга қадар кўтарилган. Мазкур эртак фильмида Ҳамза Умаров овоз берган асосий салбий қаҳрамон Картоуснинг мана бу сўзларига диққат қаратинг:

«Қўла тушидингми, доврўги оламаз достон пахлавон! Жасур баҳодир... Сеники, сеники бўлади бутун бойлигим. Лаззатли тоғлар ҳам, май тўлдирилган кўзалар ҳам сеники. Шартиим шуки, рус саркардасига эмас, фақат менга, менга, ҳукмдор Картоусга хизмат қиласан. Мабодо йўқ десанг, ўласан!»



Босқинчи ва ёвуз ҳукмдорга хос айёрлик, таҳдид, манманлик, захарханда ўзбек томошалани қалбига шу даражада етказилганки, товуш кўринишидаги бу ижродан бўлак ҳар қандай талқин номутаносиб ёки ўртамеёна бўларди. Ўз навбатида, Финист образига овоз берган Тўлқин Тожиев «рақибчи Ҳамза Умаровнинг «панжасига панжа уриб», юрт ҳимоячиси тилидан шундай дейди:

«Ватан учун қилгай киши жанг, ҳақиқатни қилур ҳимоя. Шундай одам ману барҳаёт, Сен бир махлук, мен эсам қоя».

Бош роль ижрочиларидан бири Юрий Яковлев 1986 йили Москвада ўтган киноанжуманда буюқ санъаткорни шундай эътироф этган экан: «Иван Васильевич ўз касбини ўзгартиради» кинокомедиясининг Марказий Осиё, қолаверса, бутун дунёдаги ўзбекзабон кишилар қалбидан жой олишига сабабчи бўлган ажойиб дўстим, Ўзбекистон халқ артисти Ҳамза Умаровга алоҳида миннатдорчилик билдираман».

Дубляж устасининг ўқтам ва ноёб овози, уруғ ва оҳангни ҳайратомуз йўсинда ифодалаши, ватанпарвар жангчи руҳиятининг энг теран жойларига қадар ҳис етиши ҳам Финист ва Картоус ўртасидаги аёвсиз курашда, ҳам Тўлқин Тожиев ва Ҳамза Умаровнинг ўзаро «рақобат»ида муҳолифа етибгина қолмай, балки ундан ўзиб кетишни таъминлаган.

«Мимино» фильмида ўзаро ихтилофда бўлган икки роль – Мимино ва Нугзар Папиашвили ҳам айнан шу актёримизнинг бетакрор овози орқали минглаб кишиларнинг қалбидан жой олган. Қолаверса, «Автомобилдан сақланган» номли бошқа бир машҳур фильмда бош қаҳрамон Юрий Деточкин (Ҳамза Умаров) айнан Тўлқин Тожиев овоз берган Дима Семицетовнинг машинасини ўғирлайди. «Сиздан угина, биздан бутгина» фильми дубляжда ҳам ака-ука Кашкин ва брокер Пантоховларни ўзбекча «сўзла-

тиш» орқали икки санъаткорнинг ҳамкорлиги ва «рақобати» ёрқин акс этган. Ҳамза Умаров ҳамда Тўлқин Тожиев ҳақида сўз кетса, кўпчилик учун қадрдон бўлган «Иван Васильевич ўз касбини ўзгартиради» фильмининг эста олмаслик душвор. Бир-бири билан сира чиқишмайдиган, ўтмишга бориб қолган, келишиб иш тутишга мажбур бўлган Иван Васильевич ва Мирославский образлари икки актёримиз маҳорати сабаб ўзбек тилида ҳақда аълоси билан гавдаланганки, ҳатто фильм аслияти ҳам бу даражада эмас дея баралла айта оламиз. Ушбу киноасар қаҳрамонлари худди ўзбек тилида сўзлагандек, улар рус тилидан ҳам ҳам кўра ўзбекча забонда яхшироқ гапирадигандек таассурот қолдиради. Айниқса, Ҳамза Умаров ва Тўлқин Тожиевнинг такрорланмас ижоди ҳамда овози сабаб персонажларнинг «қанотли» ибораларига айланган қатор жумлалари кўпчилигимизга ёд бўлиб, онгу шууримизга муҳрланганки...

«Эралаб ишга, кечқурун уйга шошадиган одам дунёдаги энг бахтли инсондир». Узини шу айфал деб билган «Дўстлик» ордени соҳибига, 32 йиллик меҳнат тажрибасига эга бўлган кран машинисти Рахия Молодцова каби замондошларимиз кибга содқат, уни мукаммал адо этиш йўлида ишжоянинг ёрқин намунаси...

«Эралаб ишга, кечқурун уйга шошадиган одам дунёдаги энг бахтли инсондир». Узини шу айфал деб билган «Дўстлик» ордени соҳибига, 32 йиллик меҳнат тажрибасига эга бўлган кран машинисти Рахия Молодцова каби замондошларимиз кибга содқат, уни мукаммал адо этиш йўлида ишжоянинг ёрқин намунаси...

Маънавий мерос

Ўзбеккона

ЛУТФ ЖОЗИБАСИ

ёхуд дубляж санъати дарғалари



«Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари таҳрир хайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир хайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Сухроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Темур МАМАЖОНОВ, (Бош муҳаррир ўринбосари – «Ишонч-Доверие» бўлиб), Меҳридин ШУКУРОВ, (Масъул котиб – «Ишонч»), Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб – «Ишонч-Доверие»)

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлари: Касаба уюшмалари хайъти – (71) 256-64-69 Ҳуқуқ ва халқаро хайъ – (71) 256-52-89 Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43 Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Худудлардаги муҳбирлар: Қоракўлонистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22 Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-33 Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-34 Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34 Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02 Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28 Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44 Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26 Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55 Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32 Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24 Қоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01 Қашқадарь вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ишонч»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номини кўрсатишни истаган муаллифлар фикри таҳрирнинг маънавий назаридан фарқлангани мумкин.

Навбатчи муҳаррир: С.Абдурахмонов Мусахриқ: Д.Орипов Саҳифаловчи: Ҳ.Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 01:00 Топшириш вақти – 02:20 Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буортма Г – 1017. 27830 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6 Бақоси келишилган нарҳда

Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета хатфанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чикади. Газета «Ишонч»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shard» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмаохонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳрират ҳисобчаси: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшиноб филиали, Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Дилафруз ЭГАМБЕРДИЕВА, журналист

ДУНЁДАГИ ЭНГ БАХТЛИ ИНСОН

«Севиш доимо қўлидан келадиган аёл ҳеч қачон кексаймайди». Жин Пацл Ричернинг мазкур пурмаъно фикри касби кран машинисти бўлган Рахия Молодцова билан бўлган мазмунли сўхбатимиз давомида янада теранлашди. Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги арафасида «Дўстлик» ордени билан тақдирланган қаҳрамонимиз 18 ёшидан буюн ўз тақдирини Олмалик кон-металлургия қўшма корхонаси билан боғлаган. Мана шунга ҳам 30 йил бўлибди. Шу давр мобайнида «Кўприкли», «Минорали», «Чорпоyli», «Тельфер», «Автокран», «Автоминорали» каби кранларни бошқариб келди.

– Кран бошқариш аёллар учун мураккаб ва ҳатто бироз зериқаридек туюлиши мумкин. Аммо мен бундай ўйламайман. Турли кранларни бошқарган мутахассис сифатида бу касбининг завқли бўлачақ, деган бўлардим. Ишимизда жестикуляция, яъни имо-ишоралар билан ишлаш жуда қўл келади. Ҳеч эътибор берганмисиз, касби оғирлигига қарамай, уни сидқидилдан севган аёллар қаримаиди, – дейди 2-Мис бойитиш фабрикаси кран машинисти Рахия Молодцова.

1990 йилда комбинат Марказий таъмирлаш механика заводида кран машинисти сифатида фаолиятини бошлаган Рахия опанинг турмуш ўр-

тоғи Алексей Молодцов «Қалмоққир» қониди 22 йилдан бери газ пайвандловчиси. Аҳил бу оиланинг икки нафар ўғил фарзанди бор.

– «Мендан «Хоббингиз қандай?» деб сўрашди. «Хоббим – бу оилам, болаларимдир!» деб жавоб бераман.

Фарзандларимнинг олий маълумотли, зиели инсонлар бўлишини орзу қиламан. Уларнинг бири дастурчи, яна бири архитектор бўлишни исташди. Фикримча, касб инсонни эмас, инсон касбини беэади.

Муҳофотланганимни тонгда турмуш ўртоғимдан эшитдим. У ҳам телеграм каналда кўрган экан. Эътироф, давлат муқофотини олиш ҳақидаги хабар бироз шоширгани рост. Шунда бир нарсани ҳис қилдим: қилинган меҳнат, у қайси касбада бўлишдан қўли назар, албатта, ўз эътирофини топади. Турли миллат ва элат вакиллари яшайдиган бағрикенг Ўзбекистонда тинч ва осуда яшарканмиз, бунда инсон меҳнати ва манфаати, ҳар, доим бирламчи эканини – юрак-юракдан – тушундим, – дейди қаҳрамонимиз.

«Эралаб ишга, кечқурун уйга шошадиган одам дунёдаги энг бахтли инсондир». Узини шу айфал деб билган «Дўстлик» ордени соҳибига, 32 йиллик меҳнат тажрибасига эга бўлган кран машинисти Рахия Молодцова каби замондошларимиз кибга содқат, уни мукаммал адо этиш йўлида ишжоянинг ёрқин намунаси...